
Терроризм тинчлик кушандаси!

Терроризм тинчлик кушандаси!

Бугун нотинчлик рўй бераётган деярли барча мамлакатларда терроризм ва экстремизм вазиятни издан чиқарувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, терроризм ва экстремизм ҳозирги кунда бутунжаҳон ҳамжамияти олдида турган **энг глобал муаммолардан бири** бўлиб қолмоқда.

Терроризм қандай ниқобда бўлмасин, унинг замирида бегунох одамларнинг қонини тўкиш, халқнинг меҳнати билан яратилган маданий бойликларни йўқ қилиш туради. Шунинг учун қандай давлат бўлмасин, терроризм унга хавф солиб келади.

Ўзларини **“халқ манфаатини мустақил ҳимоячилари”** – деб ҳисоблаб юрган кимсаларнинг асл мақсади, 1999 йилдан буён республикамиз ҳудудида содир этилган террорчилик ва қўпоровчилик ҳаракатларидан сўнг фош этилди.

Бугунги кунда илм-фан техниканинг тараққиёти, ахборот алмашинуви тизимининг тез суръатларда ривожланаётгани ўз навбатида уюшган жинойтчилик, шу жумладан терроризм ва экстремизм оқимлари аъзолари даъватчиларининг кенг қўлламда тарғибот ишларини олиб боришларига имконият яратди.

Террорчилик ташкилотлари сафларини кенгайтириш мақсадида Интернет ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб келинмоқдалар, бунда уларга ёшларимизнинг замонавий телефон аппаратларидан фойдаланган ҳолда асосий вақтларини “telegram”, “odnoklassniki.ru”, “Facebook”, “Instagram”, “WhatsApp” ва бошқа ижтимоий тармоқларда ўтказишлари қўл келмоқда.

Бундан ташқари ишлаш мақсадида Россия Федерацияси ва бошқа хорижий давлатларга борган Ўзбекистон фуқаролари ўртасида даъват ишлари олиб борилиб, уларни террорчилик ташкилоти сафига қўшиш ишларини ташкил этишмоқдалар, бунинг натижасида ислом динининг асл мақсадини тушуниб етмаган, ота-онаси, маҳалла кўйдан йироқда ишлаб юрган ёшларимиз уларнинг ўлжасига айланмоқда.

Ёшларимиз террорчилик ташкилотлари ва экстремистик оқимлар томонидан тайёрланган видеороликлар, маърузалар, фото суратларни интернет тармоқларидан кўчириб олиб, ҳуқуқий оқибатини англамаган ҳолда танишларига тарқатишлари орқали маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилмоқдалар. Энг ачинарлиси улар ислом дини мақсадини билмаган ҳолда, ёлловчи шахслар таъсирида ушбу оқимларга қўшилиб кетишмоқда.

Мисол учун, Фарғона тумани, Дўстлик МФЙ, Суғориш кўчасида яшовчи, 1989 й.т фуқаро Л.А (исм шариф ўзгартирилган) ўзининг уяли телефон аппаратида интернетнинг “telegram” ижтимоий тармоғи орқали “Уламолар”, “Содиқ Самарқандий”, “Абдулло Зуфар”, “Абдуллоҳ домла” каби шахсларнинг каналларига аъзо бўлиб, экстремистик оқим аъзоларининг таъсирига тушиб, ушбу каналлардан тақиқланган маърузалар ва видеороликларни телефони хотирасига сақлаб олиб, телефонинг “shareit” дастури орқали танишларига тарқатиб келаётгани аниқланиб, Ўз.Р ЖК нинг 244¹-моддаси 2-қисм билан жиноят иши қўзғатилиб, Суд органлари томонидан жазо муқаррарлиги таъминланиб жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, Қўқон шаҳар Азарбайжон кўчасида яшовчи 1994 й.т фуқаро Л.П (исм шариф ўзгартирилган) Россия Федерациясининг С.Петербург шаҳрига бориб, ишлаб юрган вақтида интернет ижтимоий тармоғининг “You tube” каналидан рус, араб ва ўзбек тилларида “Абу Салоҳ”, “Абдуллоҳ Урганжий”нинг “Шаҳидлик”, “Жиход” тўғрисида диний мазмундаги маъруза ва нашидаларини ўзининг телефон аппаратида юклаб олиб, уларни интернет ижтимоий тармоғининг телеграм месенжерига мавжуд бўлган «Қорилар» ва «Оқибатли дўстлар» номли гуруҳлардаги ўзининг яқин танишларига тарқатиб келганлиги аниқланиб, фуқаро Л.П (исм шариф ўзгартирилган) нисбатан ЎзР ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, Суд органлари томонидан жазо муқаррарлиги таъминланиб жиноий жавобгарликка тортилган.

«Бекорчидан худо безор»–дейди доно халқимиз. Ёшларимиз турли мутаассиб гуруҳлар

таъсирига тушиб қолмаслиги учун уларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, касб-ҳунар, фойдали меҳнатга ўргатиш, турли тўғараклар фаолиятини жонлантириш, спорт клубларида қулай имкониятлар яратиб бериш муҳимдир.

Давлатимиздаги тинчлик ва осойишталигимизни сақлаш учун ҳамиша хушёр ва огоҳ яшашимиз лозим бўлади.

Фуқароларимизнинг бепарволиклари турли хил кўнгилсиз ходисаларга олиб келиши мумкин. Бундан ҳолатлар бизни ҳамиша огоҳликка чақириши лозим.

Фарғона вилояти ИИБ ТҚХБ

ходим, майор

Шавкатов Мусожон

Носирович

2019-12-13 20:35:02